

## МАЪНАВИЯТ, МАТЕМАТИКА ВА ШАХМАТ

**Жумаев У.Х.**  
ЎзДЖТСУ доценти

### АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада маънавият, математика ва шахмат ўйинининг ўзаро ўхшаш томонлари ва тафовутлари баён қилинган. Машхур шахмат усталари халқаро гроссмейстерларнинг фикрлари келтирилиб, уни таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** математика, шахмат, гроссмейстер, матч, партия, салоҳият, интеллектуал, хотира

### АННОТАЦИЯ

В этой исследовательской работе исследуются сходства и различия между духовностью, математикой и игрой в шахматы. Представлены и проанализированы мнения известных шахматных мастеров и международных гроссмейстеров.

**Ключевые слова:** математика, шахматы, гроссмейстер, матч, партия, потенциал, интеллектуал, память

### ABSTRACT

This research paper explores the similarities and differences between spirituality, mathematics, and the game of chess. Opinions of famous chess masters and international grandmasters are presented and analyzed.

**Keywords:** mathematics, chess, grandmaster, match, party, potential, intellectual, memory

2015 йил 4 сентябрда Ўзбекистонда “Жисмоний тарбия ва спорт” тўғрисидаги қонун қайта ўзгаришлари билан тасдиқланиб, 47 моддадан иборат бўлди. Қонуннинг асосини Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга ошириладиган вазифаларни янада фаоллаштириш келажагимиз бўлган ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли саломатлигини, узоқ умр кўришни узайтириш ва халқимизнинг Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ютуқларини жаҳонга танитишдан иборатдир. Амалга оширилаяпган ишларининг натижасида эса барча халқаро ва олимпиада мусобақаларида юқори натижалар

билан спортчиларимиз юртимизга қайтмоқда. Ёшларни маънавий, жисмоний, тиббий ва психологик ҳолати ҳамда фармакологик таъминотини яхшилаш, бунда илғор хорижий тажриба билан бирга, маънавий баркамоллигини оширишда математика ва шахматнинг ўрни бекиёсдир.

Инсоният яратилибдики, математикага иши тушмоқда. Эҳтимол, бу қудратли қурол бўлмаганда инсоният ҳозиргидай баланд парвоз қила олмаган бўлармиди. Шу боисдан ҳам «математика - билимлар калити» деб бежиз айтилмаган. Математиканинг сир-асрорларидан дурустроқ хабардор бўлиш учун қунт, сабот, тинмай машқ қилиш, кўп нарсани ёд билиш талаб этилади. Чунки ҳисобдан адашиш чинакам математик учун ёт нарса. Математикани ўзлаштириш учун ё жуда яхши хотира кучига, ёки диққатни бир жойга жамлай оладиган қобилиятга эга бўлиш даркор. Бу сифатлар кўп юришлар натижасида тахтада ривожланиб борувчи воқеаларни олдиндан яққол тасаввур эта оладиган шахматчининг фазилатларига ўхшайди. Ҳар бир яхши математик яхши шахматчи ва аксинча ҳар бир шахматчи яхши математикавий билимга эга бўлиши мумкин.

Математика билан шахмат орасида жуда кўп умумийлик мавжуд. Улар ҳаммиса бир-бирини тўлдириб боради, бири иккинчисини тақозо этади. Шахмат математиканинг ақлини пешлагани каби, математика ҳам шахматчини етуклик пиллапоясига кўтаради. Шахмат ҳам, математика ҳам мантиқий тафаккурни ўстиради. Буюк шахматчилардан Андерсен, Ласкер, Эйвелар – математика профессорлари, Ботвинник эса техника фанлари доктори, профессор эканлигини эслатиб ўтиш ўринли бўлса керак. Шахматда ҳам учбурчак қоидаси, квадрат қоидаси деган иборалар ишлатилади.

Йигирманчи асрнинг 70-йилларида Москвада Ботвинникнинг шахмат мактаби фаолият кўрсатган. Ўша йиллари Ботвинникнинг шогирдларидан бири ҳақида шов-шув кўтарилади. У яқин орада жаҳон чемпиони бўлади деган башоратлар қилинади. Бу ҳақда Ботвинникнинг фикри сўралганда у башоратларни рад этади: У институтни «3» баҳога битирган, дунёқараши тор, шунинг учун ундан жаҳон чемпиони чиқмайди дейди. Кейинги воқеалар Ботвинникнинг ҳақ эканлигини тасдиқлайди. Ўша шахматчи тож талабгорлари сафига ҳам кўшила олмайди. Демак кучли шахматчи бўлиш учун шахмат назариясини билишнинг ўзи камлик қилар экан.

1972 йили жаҳон чемпионлиги учун ўтказиладиган Спасский-Фишер матчидан олдин Ботвинник матбуотда қизиқ мақола билан чиққан эди. Унинг фикрича Фишер шу ўйинда ютиб жаҳон чемпиони бўлмаса, у ҳеч қачон жаҳон чемпиони бўла олмайди. Фишер ҳозир йигирма тўққиз ёшда. У ҳатто мактабни ҳам тугалламаган, ўтгиз ёшдан ўтгандан кейин шахматчининг умумий

интеллектуал салоҳияти жуда зарур бўлиб қолади, чунки вариантларни ҳисоблаш қобилияти пасаяди, унга шахмат тайёргарлигининг ўзи камлик қилади деган эди. Шахматчининг интеллектуал салоҳияти унинг натижаларига таъсир қилиши тўғри. Лекин мазкур фикрни Фишерга нисбатан ишлатиш тўғри бўлмаса керак. Фишер институтда ўқимаган бўлса ҳам дунёқараши тор, билими паст бўлган эмас. У ўз она тили - инглиз тилидан ташқари рус, испан, серб тилларини мустақил ўрганган ва уларда эркин гаплаша олган. Демак унинг билими ва иқтидори чет тиллар институтини битирган мутахассислардан кам бўлмаган. Математикани яхши билган киши шахматни яхши ўйнаши керак, ёки шахматчи математикани яхши билади деган қатъий хулоса чиқариш ҳам нотўғри. Чунки математика формулаларини ўзлаштирмаган шахматчи масала ва мисолларни еча олмагани каби, шахмат назариясини ўзлаштирмаган математик ҳам шахматни яхши ўйнай олмайди. Шахматда баъзан икки карра икки беш бўлади, баъзи ҳолларда эса катетлар йиғиндиси гипотенузага тенг бўлиб қолади. Математика масалаларини ечишда китобдан формулаларни қараб олишга рухсат берилади. Масала ёки мисол ечишда хатога йўл қўйилса, уни тузатишга имкон берилади. Шахматда эса ўйин пайтида ҳеч кимнинг ёрдамидан фойдаланиб бўлмайди, хато эса ўша заҳоти рақиб томонидан жазоланади, ўйлаш учун вақт чегараланган бўлади. Демак, математика билан шахматни ўхшашлик томонларидан ташқари, улар орасида тафовутлар ҳам мавжуд экан.

Шахмат ўйини мактаб ўқувчиларининг интеллектуал қобилиятини ривожланишига ёрдам бериши олимлар томонидан аллақачон исботланган. Шунинг туфайли дунёнинг қатор мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам шахмат ўйинини мактаб дастурига киритилиши айни муддао бўлди. Кейинги йилларда Халқаро шахмат академиясида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, шахмат ўйини мактаб ўқувчиларининг интеллектуал қобилиятларигагина эмас, уларнинг дунёқарашлари кенгайишига ҳам ижобий таъсир қилади. Шахмат тўғрақларида, болалар ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда шахмат секцияларида таҳсил олганларнинг ҳаммаси ҳам профессионал шахматчи бўлиб етишмайди, бундай бўлиши шарт ҳам эмас. Лекин уларнинг деярли барчаси ҳаётда ўз ўрнини топаётганлиги айни ҳақиқатдир.

Собиқ жаҳон чемпиони Тигран Петросян айтганидек: шахмат-шаклан ўйин, мазмунан санъат, қийинчиликларни енгишда эса фандир. Таъкидлаш жоизки, шахмат билан жиддий шуғулланган кишилардан олимлар, илмий тадқиқотчилар етишиб чиқиши тарихда кўп кузатилган. Бунинг сабаби шахмат ўйини узокни ўйлашга, асосланган қарор қабул қилишга ҳамда унинг оқибатини чамалашга ўргатади. Шунинг учун Ўзбекистонда кундан кунга оммалашиб бораётган

шахмат ўйини келгусида юқори салоҳиятли кишилар янада кўпроқ етишиб чиқишига ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Р.Қосимжонов “Шахмат сеҳрли олам”. Тошкент. 2008.
2. М.Мухитдинов “Шахмат”. – 1992.
3. М.Хайлаев “Шахмат сабоқлари”. – Тошкент. “Юрист-медиа-маркази”. 2016.
4. Б.С.Холмирзаев, А.Асролходжаев, С.У.Назаров, А.Раззоқов Шахмат Ўқув қўлланма, “Умид дизайн”, Тошкент 2021. – 153 с.
5. Авербах, Ю. Л. Жизнь шахматиста в шахматной системе. Москва, Мир 2012.– 320 с.
6. Гулиев, С. РШД.ВШМ.Владимир Крамник. Избранные партии 14-го чемпионата мира по шахматам / С. Гулиев. - Москва: **Мир**, 2015. – 343 с.
7. Калининченко, Н. Королевский гамбит / Н. Калининченко. - М.: Гранд-Фаир, 2011.– 185 с.
8. Селезнев, Алексей 100 шахматных этюдов. Практикум по эндшпилю / Алексей Селезнев. - Москва: **Гостехиздат**, 2013. – 104 с.
9. Фишер. Бобби Фишер учит играть в шахматы / Бобби Фишер, Эдуард Гуфельд. - М.: Русский шахматный дом/Russian Chess House, 2014.-278 с.
10. Маманов, Ж. А., & Розиков, Ж. М. (2021). Миллий менталитетнинг ёшлар маданиятига таъсири. Academic research in educational sciences, 2(Special Issue 1), 170-178.
11. Маманов, Ж. А. (2018). Ёшлар маънавий маданиятига таҳдид ёки мессионерликнинг салбий оқибатлари. ЎЗМУ хабарномаси, 169.
12. Маманов, Ж. А. (2018). МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ТАКОМИЛИДА СПОРТ ВА АХЛОКИЙ МАДАНИЯТНИ УЙФУНЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ. Fan-Sportga, (3), 74-78.
13. Маманов, Ж. А., & Хушвақтов, З. Р. (2022). МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (МЕХАНИЗМИ) ВОСИТАСИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 9-13.
14. Маманов, Ж. А. (2020). Young people are increasing a spiritual culture place of national mentality. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 3203.
15. Жумаев, У. Х. (2022). ТУРКИСТОНДА МОЛИЯ-КРЕДИТ МУАССАСАЛАРИНИНГ ПАХТАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 4-8.

16. Жумаев, М. Х. (2022). БУХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА ТЎҚИМАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 14-18.
17. Маманов, Ж. А., & Хушвақтов, З. Р. (2022). МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (МЕХАНИЗМИ) ВОСИТАСИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ. Educational Research in Universal Sciences, 1(6), 9-13.
18. Маманов, Ж. А., & Розиков, Ж. М. (2021). Миллий менталитетнинг ёшлар маданиятига таъсири. Academic research in educational sciences, 2 (Special Issue 1), 170-178.
19. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан илмий – техникавий ҳамкорлиги (илмий-тадқиқот институтлари мисолида). Oriental renaissance: innovative, education, natural and social sciences scientific journal. Volume 2, issue 5/2, may 2022. -Б.824.
20. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистоннинг Япония билан илми-техникавий алоқалари. Academic research in educational science volume 2 | special issue 1 | 2021 /01; -Б.315.
21. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистон фанлар академиясининг хорижий мамлакатлар билан илмий - техникавий алоқалари. ҚарДУ хабарлари Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар).-Қарши. 2020.-Б.256.
22. Жаҳонгиров Б.Б. Международные связи Узбекистана в области науки. International scientific and practical conference. The time of scientific progress, Warsaw, Polsha, 05.11.2022. Session1, Part 3.-С.15-19.
23. Жаҳонгиров Б.Б. Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари. Science and innovation international scientific journal volume 1 issue 8 uif-2022: 8.2 | issn: 2181-3337.-Б. 211-215